Ушбу сонда:
2 ТАШАББУС СЎНМАСИН, ТАШАББУС ЎЛМАСИН
3 TV - ДАСТУРИ
4 Иснод ЧИМИЛДИҚ ҚОЛИБ... ПАНЖАРА ОРТИГА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 19 феврал, шанба №27 (859)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## АҚШ ГРАНТИ ТОПШИРИЛДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасига АҚШнинг республикамиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жозеф Пресел ўз мамлакати ҳукуматининг 15 минг долларлик грантини топширди.

АҚШ гранти компьютер, фотоаппарат ва нусха кўчириш машинаси каби маҳсулотлардан иборат. Кутубхонада бундай замонавий техникадан фойдаланишнинг йўлга қўйилиши ходимлар ва ўқувчилар учун талай қулайликлар яратади. Жумладан, китоб тизиш, архивлаш, қадимий ва ноёб китобларнинг саҳифаларидан нусха олиш, керакли адабиётни топиш анча осонлашади.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Р.Ҳ.ҚОДИРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 9-банди ва «Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ:

Рашитжон Ҳамидович Қодиров Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 18 феврал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## У.Ч.ХУДОЙҚУЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Усмон Чинозович Худойқулов Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори вазифасидан берган аризасига биноан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри
2000 йил 18 феврал

## ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК - ДАВР ТАЛАБИ

Термизда Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1999 йил якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис иккинчи чақириқ биринчи сессиясида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган устувор вазифаларга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан вилоят ҳокими Ж.Нoралиев, Бош вазир ўринбосари, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Ў.Исмоилов вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда муайян ютуқларга эришилганини таъкидладилар. Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларида сезиларли силжишга эришилди, корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бирмунча камайди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишда бир қанча камчиликлар мавжуд. Ўтган йили вилоят ғалла ва пахта тайёрлаш давлат режасини бажара олмади. Бу йил ҳам ғалла парвариши қониқарсиз ташкил этилмоқда. Деҳқон-фермер хўжаликлари ривожига ғов бўлаётган сунъий тўсиқлар бартараф этилмаяпти. Фермер хўжаликларининг маблағлари эгаларига етиб бормаяпти, улар етиштирган маҳсулоти учун фойда ўрнига зарар кўраётганлиги ҳолатлари мавжуд. Тадбиркорларнинг пул-кредит олиши масалаларида тўрачилик, таъмагирлик, сансалорлик ҳолларига дуч келинмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, вилоятда қўшма корхоналар бармоқ билан санарли. Бу борадаги аҳволни ўнглаб олиш учун хорижлик сармоядорларни қўшма корхоналар ташкил қилишга кенгроқ жалб этиш зарур.

**Чори Тўхтаев,
ЎзА мухбири.**

Фермер бўлдингми, ўзингни кўрсат. Норин туманидаги «Ойбек» фермер хўжалиги аъзоларининг шиори ана шундай. Ҳозир улар ихтиёрида 33 бош қорамол бор. Хўжалик бу йил 10 тонна гўшт етиштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.



***Суратда:* Меҳнат унуми билан даромаднинг ўзаро уйғунлигидан ишчилар Зухрулло Пўлатов ва Абдураҳмон Раҳматовларнинг кайфияти чоғ.**

**Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат**

## ЎҚУВЧИЛАРГА СОВҒА

Андижон туманидаги Чем қишлоғида қисқа муддат ичида 320 ўринлик мактаб биноси қад кўтарди. Йўлдош Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги билан кўп тармоқли «Намуна» хусусий савдо-ишлаб чиқариш бирлашмаси қурилишга ҳомийлик қилди.

Бино янги, ўзига хос лойиҳа асосида қурилган. Энди Чем қишлоғи ва қўшни маҳаллаларнинг болалари замонавий ўқув қуроллари ва жиҳозларига эга кенг, ёруғ хоналарда таълим олади.

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгашининг йиғилиши бўлди. Унда жамғарманинг ўтган йилги фаолияти якунлари ва Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Марказий Кенгаш раиси Э.Боқибоев ўз маърузасида ўтган вақт мобайнида жамғарма ва унинг жойлардаги бўлимлари фаолияти бирмунча яхшилангани, жумладан, ташкилий, маданий, маънавий ва маърифий ҳамда тарбиявий ишларга алоҳида аҳамият берилганини таъкидлади. Асосий эътибор уруш ва меҳнат фахрийларини, ёлғиз кексалар, ногиронлар, меҳр-мурувватга муҳтож кишиларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга қаратилди.

Йиғилишда 9 Май - Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан жамғарма томонидан ўтказиладиган тадбирлар режаси тасдиқланди, жамғарма фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова йиғилишда сўзга чиқди.

## «ЕВРОПА АРКАСИ» МУКОФОТИ ХОРАЗМЛИКЛАРГА

Хоразм вилоятининг «Янгиариқ пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган ҳар бир пахта толаси бойламидаги «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси остига эндиликда «Европа аркаси - сифати ва тадбиркорлик обрўси учун» мукофотининг логотипи илова қилинади. Корхона халқаро бизнеснинг энг нуфузли мукофотларидан бирини қўлга киритгани туфайли бу шарафга мушарраф бўлди.

Бизнес тақдимотлари халқаро дастури президенти Альфонсо Касалнинг Мадриддан йўллаган мактубида шу ҳақда хабар берилади. Мактубда, шунингдек, бу ташкилот чорак асрдан буён нуфузли халқаро экспертлар гуруҳи билан ҳамкорликда дунёнинг 147 мамлакатидаги компаниялар маҳсулоти сифатини текшириши таъкидланган. Мана шу текширувларга асосан Халқаро танлов қўмитаси 2000 йилда «Европа аркаси» мукофотини «Янгиариқпахта тозалаш заводи» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига беришга қарор қилган. Хатга Парижда бўлиб ўтадиган 26-халқаро конференциясига таклифнома ҳам илова қилинган. Нуфузли мукофот ана шу анжуманда эгаларига топширилади.

Корхона маҳсулотининг рақобатбардошлиги жаҳон бозорида эътироф этилиши бежиз эмас, албатта. Завод ишлаб чиқараётган толанинг экспорт улуши беш йил ичида 84 фоиздан 90 фоизга ошди. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Голландия, Ирландия, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларнинг таниқли тўқимачилик компаниялари бу акциядорлик жамиятининг доимий ҳамкорига айланган.

- Биз ҳар доим хорижий ҳамкорларимизнинг сифатга бўлган юксак талабини қондиришга ҳаракат қиламиз, - дейди акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси Қурамбой Раимов. - Бу билан нафақат корхона, балки мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада оширишга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

**Т.ШАМАКОВ,
ЎзА мухбири.**

***Бухорода 1999 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис иккинчи чақириқ биринчи сессиясида ва Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.***

## ЙИЛ ЯКУНЛАРИ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

Вилоят ҳокими С.Ҳусенов маърузасида таъкидланганидек, ўтган йили ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, аммо ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаган. Хорижга маҳсулот экспорт қилиш режаси 62,2 фоиз бажарилган, холос. Олот, Жондор, Когон, Қоровулбозор туманларида ҳалигача биронта ҳам қўшма корхона очилмаган.

Вилоятда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида ҳам муаммолар талайгина. Тижорат банклари томонидан микрокредитларни расмийлаштиришда сансалорликка йўл қўйиш ҳоллари учрамоқда. Мулкдорлар синфини шакллантириш қийин кечмоқда, турли назорат идоралари тадбиркорларнинг эркин ишлаши учун тўсқинлик қилмоқда.

Семинарда Бош вазир ўринбосари М.Усмонов сўзга чиқди.

*Омма билан мулоқот*

## ОШКОРАЛИК-ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

***Бухоро вилоят прокуратураси жиноятчиликнинг пайини қирқиш, унинг олдини олишга эришиш йўлларини изчиллик билан излаётир. Ошкораликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларга кенг ўрин берилмоқда. Натижада оммавий ахборот воситалари, кўплаб меҳнат жамоалари билан ўзаро ҳамкорлик риштлари тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Қизиқарли ва таъсирчан суҳбатлар, ўзаро савол-жавоблар одамлар ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилиш билан бирга, ҳуқуқбузарлик, майда ўғрилик, ташмачилик каби жиноят турлари илдизига ҳам болта ураётир. Зеро, жиноятчини жазолашдан кўра, жиноятнинг олдини олиш энг мақбул йўл эканлигини эндиликда ҳеч ким инкор этолмайди.***

Шу боис, ҳар икки ойда бир марта ўтказиладиган матбуот конференциясида жиноят ва жазо, турли ҳуқуқбузарлик ҳолатлари, уларнинг содир этилиш сабаблари, қонуншунослигимиздаги янгиликлар, ҳуқуқий жамият қуриш босқичидаги баъзи бир тугунлар, муаммолар вилоят ва республика журналистлари иштирокида чиғириқдан ўтказилади. Томонларни қизиқтирган саволларга вилоят прокурори Рамазон Пўлатовнинг ўзи тўла-тўкис жавоб беришга ҳаракат қилади.

Куни кеча ана шундай анжуманларнинг навбатдагиси бўлиб ўтди. Унда нафақат оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, кўплаб меҳмонлар ҳам иштирок этишди. Биз матбуот конференциясидан сўнг республика прокуратурасининг ҳуқуқ-тарғиботи ва қонунларни мужассамлаштириш бўлими бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси С.Ортиқовани суҳбатга чорладик.

— Вилоят прокуратурасининг омма билан, журналистлар билан ошкоралик асосида олиб бораётган мулоқотларининг самарасини бугун кўриб, билиб турибмиз. Якунланган 1999 йилда вилоятда умумий жиноятчилик 14,8 фоизга камайгани эътироф этишга арзигулик ҳолатдир.

«Ҳуқуқий давлатнинг кўзи ҳам, қуроли ҳам қонундир», - дея таъкидлаганди Юртбошимиз. Ахир, ҳуқуқий демократик давлат қуришга астойдил бел боғлаб киришган эканмиз, унда қонунларимиз ижросини таъминлашга ҳам жиддий эътиборни қаратишимиз лозим.

**Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.**

*Ўз ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

## ҲАҚИҚАТ ҲЕЧ ҚАЧОН СИНМАЙДИ

### судлашиб мушкули осон бўлган мирзачўллик онахон ҳам бунга чуқур ишонч ҳосил қилди

***«Ишонч» газетаси таҳририятига Мирзачўл тумани Гагарин шаҳри, А.Яссавий кўчаси 9-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Қағаз Жўлматова имзоси билан шикоят хати келди.***

***Унда таъкидланишича, руҳий носоғлом ўғли, 1968 йилда туғилган Жўлматов Халилдан 1-Гагарин божхона пости ходимлари бир бош отни қулуни билан «сен Қозоғистонга буларни сотишга обораяпсан», дея алдов йўли билан тушунтириш хати ёздириб олишади ва шу тариқа унинг шахсий мулки давлат фойдасига мусодара қилинади. «Ҳурматли «Ишонч» таҳририяти, — дейилади шикоят хатида, — сўнгги умидим сизлардан. Ҳақиқатни қарор топтириб, от ва қулунимизни қайтариб олишга ёрдам берсангиз».***

Хат сафарга чорлади.

Маълум бўлишича, мазкур иш 1999 йилнинг 9 апрелида Жиззах шаҳар суди судьяси А.Султонов раислигида фуқаролик иши тартибида кўриб чиқилган. Унинг қарор қисмини айнан келтирамиз: «Даъвогар Жўлматова Қағазнинг жавобгарлар Жиззах вилоят божхона бошқармаси ва Жиззах шаҳар молия бўлимига нисбатан давлат фойдасига мусодара қилинган бир бош от ва бир бош от боласини қайтариб олиш ҳақидаги келтирган даъвоси асоссиз бўлганлиги учун рад этилсин».

Бир қарашда ҳаммаси қонуний ва тўғри ҳал этилгандек. Суд ишни хамирдан қил суғургандек қилиб бажарган.

Таҳририят аралашувидан сўнг вилоят суди раиси З.Алиев вилоят суди раёсатига даъвогар Қ.Жўлматованинг жавобгари Жиззах вилоят божхона бошқармаси ва Жиззах шаҳар молия бўлимига нисбатан фуқаролик иши юзасидан назорат тартибида протест киритади. Унда жумладан шундай дейилади: «Суд мазкур ишни кўриб чиқишда шошма-шошарликка йўл қўйиб, ушбу ҳолатлар юзасидан тегишли ҳужжатларни талаб қилиб олмаган. Халилнинг руҳий касаллигини аниқлаш мақсадида руҳий экспертиза тайинланмаган».

Вилоят суди раисининг протестида суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгитдан судда кўриш учун юбориш масаласи қўйилади.

1999 йил 30 ноябрида вилоят суди раёсати ўз қарорида иш суд томонидан бир томонлама кўрилганлиги, ишнинг ҳақиқий ҳолати аниқланмаганлиги, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳар тарафлама тўлиқ ва холисона бажарилмаганлиги таъкидланади. Ана шу асосларга кўра суд раёсати ЎзР.ФПКнинг 359-361-моддаларини қўллаб қабул қилган қарорига асосан Жиззах шаҳар судининг 1999 йил 9 апрелдаги даъвогар Қ.Жўлматованинг жавобгари Жиззах вилоят божхона бошқармаси ва Жиззах шаҳар молия бўлимига нисбатан фуқаролик иши юзасидан чиқарган ҳал қилув қарорини бекор қилди. Фуқаролик иши янгитдан бошқа суд таркибида кўриб чиқиш учун шу суднинг ўзига юборилди.

1999 йил 27 декабрда Жиззах шаҳар судининг судьяси Б.Каримов раислигида мазкур фуқаролик иши янгитдан кўриб чиқилди.

Судда даъвогар Қ.Жўлматова 1999 йил 25 январида унинг уйига Қозоғистон Республикаси Етисой туманида яшовчи қайниси Жўлматов Абдумурод меҳмон бўлиб келганлигини, 27 январ куни уйига қайтишини айтганида у ўғли Жўлматов Халилга меҳмонни темир йўл кўпригигача бияга миндириб бориб кузатиб қўйишни буюрганлигини, ўғли меҳмонни бияга миндириб кетганлигини, биясига қулуни ҳам эргашганлигини, бироқ кўп ўтмай темир йўл кўприги олдида ўғлини ва қайнисини божхона ходимлари тўхтатишиб, уларни алдаб бия ва қулунни Қозоғистонга сотишга олиб кетишаётганини кўрсатиб тушунтириш хати олишганини эшитганини, божхона бошқармаси унга тегишли бия ва қулунни мусодара қилгани ва ўғлига 6600 сўм жарима солганлигини, у божхонага учрашиб, ўғлининг руҳий касаллигини айтиб, бияси ва қулунини қайтариб беришни сўраганини, бироқ унга рад жавоби беришганини, ўғли Халил 1996 йилдан буён руҳий касаллик билан оғриб, унинг қарамоғида яшаб келганлигини, 1999 йил 21 декабр куни у назоратсизликдан фойдаланиб кўчага чиқиб поездга урилиб фожеали ҳалок бўлганлигини, оилавий шароити жуда оғирлигини баён қилиб, унга мусодара қилинган от ва қулунни қайтариб беришни илтижо қилади.

Текширишлар чоғида шу нарса маълум бўлдики, дарҳақиқат божхона бошқармаси маъмурий ишни бир томонлама кўриб, МЖТКнинг 276-моддаси талабларига риоя қилмаган, яъни Х.Жўлматовнинг шахсини, соғлиғини, руҳий ҳолатини аниқлаш чораларини кўрмаган. Ҳолбуки, бу ҳолатлар иш учун аҳамиятлидир. Х.Жўлматов кўринишидан руҳий касал эканлиги билиниб турганлиги боис ҳам, божхона бошқармаси психиатрия экспертизасини тайинлаб, экспертиза хулосасидан кейингина қонуний хулосага келиши керак эди.

Суднинг ташаббуси билан тайинланган судга оид психиатрия экспертизасининг 1999 йил 21 декабрдаги хулосасига кўра Х.Жўлматов шизофрениянинг тубсимон ривожланув параноид синдроми касаллиги билан оғриган ва 1997 йилдан бошлаб руҳий касалликлар шифохонасида даволаниб келган. У воқеа содир бўлган 1999 йил 27 январ куни ҳам ва сўнгги вақтда ҳам ўз хатти-ҳаракатларига жавоб бера олмаган, муомалага лаёқатсиз ҳисобланган. Бу ҳолат Х.Жўлматовнинг ақли норасо эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг МЖТПКнинг 271-моддаси 3-бандида жавобгарликка тортилаётган шахс ақли норасо бўлса маъмурий ишни юритиш тўхтатилади деб кўрсатилган.

Ана шу асосга кўра суднинг ҳал қилув қарори билан Жиззах вилоят божхона бошқармасининг Жўлматов Халилни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги 1999 йил 28 январдаги қарори бекор қилиниб, ушбу маъмурий иш тўхтатилди. Низоли мол-мулкни даъвогарга натура шаклида қайтариш имкони йўқлиги инобатга олиниб низоли мулк — от ва бир бош қулун сўйиб сотилишидан тушган 69650 сўм пул Жиззах шаҳар молия бўлимидан Қ.Жўлматованинг фойдасига ундириб бериладиган бўлди. Жиззах вилоят божхона бошқармасидан Қағаз Жўлматова фойдасига 6600 сўм ундирилди.

Ҳақиқат қарор топди.

Лекин кишини шу ўринда чексиз саволлар изтироби қийнайди: майли, воқеа содир бўлибди, аммо нима учун 1-Гагарин божхона постидагилар онаизор ўз жигаргўшасини «ақлан ногирон» дея айюҳаннос солиб турганига қулоқ осишмади? Нега бу ҳақда Мирзачўл туман марказий поликлиникасининг расмий ҳужжатига беписандлик билан қарашди? Нега божхона бошқармасидаги масъул шахслар ўз ишларига жиддий ёндашиб, судга оид психиатрия экспертизаси тайинлашмади? Нега А.Султонов раислигида бўлиб ўтган судлов жараёни божхона бошқармаси хатосини айнан такрорлади?

Бу нима, қайсарликми ёки инсон тақдирига беписандлик?

Нима бўлганда ҳам ушбу мақола кимлар учундир сабоқ бўлишига ишонамиз.

**Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.**

*Жамоа келишувлари қабул қилинмоқда*

# ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

***Бозор шароитида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, соғломлаштириш, уларга кўнгилдагидек иш шароитлари яратиб бериш касаба уюшмалари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Мана шу каби тадбирларни тўлақонли амалга оширишда жамоа келишувлари ҳамда шартномалари муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун кўпгина ташкилотларда 1999 йил учун тузилган жамоа келишувларининг якунлари муҳокама қилиниб, 2000 йил учун янги режалар белгилаб олинмоқда. Мана шундай жамоа келишуви куни-кеча «Тошвилоятюктранс» концерни бошқаруви, Тошкент вилояти автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланди. Мухбиримизнинг қўмита раиси Маҳмуд Аҳмедов билан суҳбати шулар ҳақида борди.***

**- Маҳмуд Аҳмедович, ўтган йилги тузилган жамоа келишуви меҳнаткашларга нима берди?**

- Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги жамоа битимларининг самараси юқори бўлаётир. Битим ижросини муҳокама қилиш жараёнида бунга амин бўлдик. Хусусан концерн тизимига кирувчи автокорхоналар меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари учун 20 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Тармоқ меҳнаткашларини овқат пулини арзонлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш, кўп болали оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш, меҳнат фахрийларини, ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдам кўрсатилди. Ишчи-хизматчиларнинг меҳнатларини муҳофаза қилиш, уларга кўнгилдагидек шарот яратиб бериш учун ҳам 11 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Концерн бўйича маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирлари учун 6 миллион 570 минг, турли хайрия тадбирларини ўтказишга 500 минг сўм сарфланди.

Шунингдек, тармоғимиздаги автокорхоналарга қарашли ёрдамчи хўжаликларда 50 минг литрга яқин сут ҳамда 6 тоннага яқин гўшт етиштирилиб, ишчи-хизматчиларимизга арзон нарҳларда сотилди.

**- Бугунги қабул қилинган жамоа келишуви ўтган йилдагисидан нимаси билан фарқ қилади ва унда тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоялаш учун қандай қўшимча имтиёзлар кўзда тутилган?**

- Келишувда ҳар бир ўтказиладиган тадбир аниқ-равшан кўрсатиб ўтилган. Унинг ижросини амалга оширувчи ҳамда назорат қилувчи ходимлар ҳам аниқ белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, қариликни ҳимоялаш мақсадида нодавлат ижтимоий пенсия жамғармасини тузганмиз. Ўтган йили ходимлар ҳамда корхоналар ҳисобидан жамғармага 4 миллион 730 минг сўм маблағ ўтказилди. Бу йил ҳам биз бу муҳим тадбирни давом эттирамиз.

Яна бир янгилик. Ҳар бир корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси бошқарув органининг аъзоси қилиб киритилди. Бунинг натижасида касаба уюшма қўмитаси етакчисига меҳнаткашларни ижтимоий иқтисодий ҳимоялаш борасида қўшимча имкониятлар яратилди.

**- Президентимиз ташаббуси билан жорий йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Бу борада қандай тадбирлар режалаштирилган?**

- Автокорхоналарда «Соғлом авлод йили» дастурини бажариш учун махсус комиссиялар тузилган. Амалга ошириладиган тадбирлар жамоа шартномалари ва битимларига киритилган. Шунингдек, ҳар бир автокорхонада доимий ахборот кўргазмаси ташкил этилади. Кам таъминланган оила фарзандларига ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига бепул йўлланмалар берилади. Мактаб ёшига етмаган фарзандлари бўлган аёлларга қўшимча меҳнат таътили белгилаш ва уни иложи борича ёзги дам олиш вақтида бериш жамоа шартномаларига киритилди. Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини маданий-маънавий тарбиялаш, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимоялаш борасида ҳам кўпгина тадбирлар режалаштирилган.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, қабул қилинган жамоа келишувининг ҳар бир бандини тўлақонли бажаришимиз концерн маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитасининг ҳамкорликда ишлашига бевосита боғлиқ. Шу сабабли иш жараёнида биз бунга жиддий амал қиламиз.

**Суҳбатдош:
Н.РАФИҚОВ.**



Сирғали туманидаги «Озуқа» фирмасига қарашли дўконларда истеъмолчиларга намунали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Айниқса, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган саккиз турдаги маҳсулотларнинг пештахталардан узилмаслиги харидорларни мамнун этмоқда. Шунингдек, талабдан келиб чиққан ҳолда фирма қошида бир неча бўлимлардан иборат замонавий супермаркетнинг фаолият кўрсатаётганлиги барчани хушнуд этмоқда.

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**



*Ташаббус сўнмасин,*
*ташаббус ўлмасин!*

## ФЕРМЕРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Тахтакўпир тумани марказидан анча олисда жойлашган «Давқара» қишлоқ хўжалиги уюшмасида фермерлар ҳаракати авж олиб кетди. Овулда янгиликнинг бошловчиларидан бири-тажрибали деҳқон Мурод Абдамбетов бўлди. У ёрдамчилари билан асосан шоли экади. Йил сайин режалар ортиғи билан бажарилмоқда.

«Тастанбек» номи билан юритилувчи хўжаликнинг ўтган йилги фаолияти сарҳисоб қилинганда, қувонарли натижалар қайд қилинди. Фермерлар 400 тонна юқори сифатли «қирмизи дон» етиштириш учун 6 миллион сўм харажат қилган бўлсалар, олинган даромад 20 митллион сўмни ташкил этди. Демак, 13.5 миллион сўм фермерлар ҳисобида қолади.

- Катта даромад кўтаришимизнинг асосий омили мулкдор бўлиб, ҳар бир агротехник тадбир вақтида сифатли бажарилиши учун масъулиятни тўла ҳис қилиш. Муҳими - ер ўзимизники бўлгач, пировард натижа учун тежамкорлик билан ҳаракат қилиб, виждонан ишлашдир - дейди М.Абдамбетов.

Бу фермернинг издошлари туманда талайгина. Улардан - Наврўз Жапақов номидаги ширкат хўжалигидаги фермерлар Пўлат Тлеумбетов, Тўреаҳмет Палменовлар ҳам ўртача 3 миллион сўмдан соф фойда олишди.

- Мамлакатимиз Президентининг Фарғона вилояти сессиясидаги маърузасини оммага атрофлича тушунтирдик, - дейди туман ҳокими, Зийналаддин Имоладдинов. - Бунда 39 та фермерлардан 31 таси йилни катта ютуқлар ва даромадлар билан якунлаганлигини батафсил баён қилдик. Натижада фермерлар сони салкам тўрт бараварга ошди. Уларнинг барчаси ҳозир баҳорги экин мавсумига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Демак, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш янада кўпаяди, даромад ортади.

**Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.**

*Барҳаёт сиймолар*

***«Барҳаёт сиймолар» рукни остида номлари халқимизга умуман таниш бўлмаган ёхуд улар ҳақида жуда оз маълумотлар сақланган табаррук аллома-ю фозиллар, ўзидан хайрли ишларни мерос қолдирган саховатпеша зотларни газетхонларга таништириб боришни ният қилдик. Бундан мақсад — элим, юртим деб ёниб яшаган азизу мукаррам ота-боболаримиз, момоларимиз номларини улуғлаш, руҳларини шод этиш ва айни пайтда уларнинг илмий, маънавий меросини ёш авлодга ибрат қилиб кўрсатишдан иборатдир.***

# РУҲЛАР ҚАЙТГАН КУН

Пойтахтимизнинг Кўкча даҳасида жойлашган халқ тили билан айтганда, Шиғзиддин бува қабристони ҳудудида маҳобатли мақбара бўй кўрсатиб турибди. Лекин, у кимга тегишли, унинг остида қандай муборак зот боқий уйқуда ётгани, мақбара ким томонидан тиклангани ҳамма ҳам билавермаса керак. Афсуски, нафақат Тошкент, балки республикамиз вилоят, туман, шаҳарларида ўнлаб, юзлаб ҳали кўпчилик эътиборига тушмаган мақбара-ю қабрлар мавжуд. Шуларни ўйласак, ота-боболаримиз, авлод-аждодларимизнинг руҳини шод этишга шошилишимиз, улар номини ўзлари яшаб, фаолият кўрсатган даврдагидек ардоқлашимиз зарурати туғилганини янада теранроқ англагандек бўламиз.

Манбаларда қайд этилишича, тасаввуф илмининг билимдони асл исми-шарифи Шайх Абу Бакр Зайниддин Кўй Орифони 1164 йилда таваллуд топиб, 95 ёшида вафот этган. Лекин ҳозирча алломанинг қаерда туғилгани ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Агар отасининг 25 ёшгача Хоразмда яшагани назарда тутилса, шубҳасиз, у ана шу воҳада дунёга келганини тахмин қилиш мумкин. Унинг отаси - Шаҳобиддин Абу Хафс Умар Сухровердий ўз даврининг илмли, зукко дин уламоларидан бири бўлган. Узоқ йиллар у диний ва дунёвий илмлар марказларидан бири ҳисобланган Хоразмда яшаб, фаолият кўрсатди. Ислом дунёсида машҳур бўлган Байт ул-ҳикма (Донишмандлар уйи), яъни Маъмун академиясида таҳсил олди. Унгача бу олий масканда Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Имом Исмоил ал-Бухорий сингари жаҳон фанининг йирик намояндалари илм жавоҳирларидан баҳраманд бўлган эдилар. Маънавий, маърифий дунёсини янада чуқурлаштиришга чанқоқ бўлган Шаҳобиддин ўша пайтда машҳур билим ўчоқларидан бири - Бағдодга келиб, диний ва дунёвий фанлардан малакасини оширади. Натижада «Шайхлар шайхи» деган олий унвонни олишга эришади. Унинг диний, ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги изчил ва қизғин фаолиятини Бағдод халифаси Ан-Носир сезмаслиги мумкин эмасди. Шу боисдан ҳам Шаҳобиддин Сухровердийни Хоразм ўлкасига элчи этиб тайинлайди ва бу ерда у чорак аср мобайнида икки мамлакат ўртасидаги дўстлик, ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади.

Бақувват иймон-эътиқодли ота-она тарбиясида камол топган Абу Бакр Зайниддинда ҳам қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, толиби илм бўлишликка ҳавас анча эрта уйғонди. Ўз замонасининг таниқли уламоларидан бири бўлган отасининг у билан алоҳида илм-фан сирларига бағишланган машғулотлари ва мадраса сабоқлари ёш ўсмирнинг Шайх Зайниддин бўлиб танилишида энг муҳим омил вазифасини ўтади. Унинг туркий, форсий ва араб тилларини мукаммал эгаллаганлиги ҳамда юқоридаги каби сифатлари Маъмун академиясига йўл очди. Пухта, чуқур билим олишга бўлган интилиш, ўз устида жиддий изланишлар уни олий илм масканини муваффақиятли битириш ва сўфийлик йўналишида энг пешқадам уламо даражасига кўтарилишига замин яратди. Шу боисдан бўлса керак, Умар Сухровердий дин пешвоси сифатида эл-юртга танилган ўғлини Ислом динини кенгроқ ёйиш мақсадида Тошкент (Шош)га жўнатади. Узоқ, сермашаққат сафардан кейин у Кўкча дарбозасидан уч чақиримча ғарбда жойлашган Орифон қишлоғида яшаб, фаолият кўрсата бошлайди. Орифони тахаллусининг келиб чиқиш сабаби ҳам унинг шу қишлоқда яшаганлигига нисбатан ишорадир. Шайх Зайниддин бу ерда ўз билим иқтидори, салоҳиятини Ислом таълимотини кенг оммага тарғиб-ташвиқ қилишдек эзгу ишга сарфлади. Маҳаллий аҳолининг маънавий, маърифий дунёқарашини шакллантиришда унинг илмий ва амалий тажрибаси жуда асқотди. Алломанинг ўнлаб, балки юзлаб шогирдлари, муридлари бўлганлиги шубҳасиздир. Лекин улардан баъзиларининг номларигина бизгача етиб келган. Жумладан, Шайх Зайниддин Орифонининг қирқ тўртинчи авлоди - Музаффар Асадуллаевнинг берган маълумотлари ҳамда бошқа манбаларга суяниб айтиш мумкинки, ўз даврининг илғор уламоларидан - эл орасида танилиб, юксак мақомга эришган Шайх Насриддин Басир, Этемас Эшонлар унинг садоқатли шогирдларидан бўлган.

Ўзи яшаган она-заминнинг ҳар бир қаричини муқаддас деб билган, энг олий мақсади - одамларни эзгу, хайрли ниятлари мустажоб бўлганини кўриш бўлган Шайх Зайниддин мақбарасини зиёрат қилар эканмиз, у яшаган даврнинг бахтиёр ва бешафқат саҳифаларини ўқигандек бўламиз. Тошкент Астрономия илмий-тадқиқот институтининг ходимлари С.Азизов ва О.Турсуновларнинг ўша пайтлар Шиғзиддин бува учун чиллахона вазифасини ўтаган мақбара ёнидаги гумбазли хонада олиб борган илмий изланишлари шуни кўрсатдики, у қадимда осмон сайёралари ҳаракатини кузатувчи обсерватория бўлган.

Шайх Зайниддин мақбараси тарихига тўхталишдан аввал бир воқеага эътиборингизни қаратсак. Маълумки, Шайх Шамсиддин Кулол буюк бобомиз Амир Темур ва унинг падари бузруквори Амир Тарағайнинг ҳам пири бўлган. Соҳибқирон ўзининг барча улуғ ишлари, юришлари олдидан пирининг панд-насиҳат, маслаҳатларига қатъий амал қилган. Ўз навбатида Шамсиддин Кулол Зайниддин буванинг отаси - Шаҳобиддин Сухровердий томонидан барпо этилган мадрасада таҳсил кўрган. Буюк саркарда 1391 йили Шошга қилган сафари чоғида ўз пири ўгитларига содиқлик рамзи сифатида бир неча, шу жумладан, Шайх Зайниддин Орифони мақбарасини ҳам қурдирган. Демак, бу табаррук жойда буюк аллома-ю уламолар, саркарда-ю амирларнинг қутлуғ излари бор.

Мақбара пойида Қуръони каримдан тиловат қилиб, юзимизга фотиҳа тортар эканмиз Соҳибқирон Амир Темур бобомиз сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланди. У ўзининг хос мулозимлари ва аркони давлати кузатувида пайдо бўлганди гўё. Буюк бобомиз ҳайрат ва ҳаяжондан бир дақиқа сукутга кетган юзлаб пойтахтликларга таъзим қилиб, олти асрдан кўпроқ вақт аввал ўзи қурдирган мақбара томон юрди. Қатъий ирода, вазминлик ва ғурур, салобат ва донолик акс этиб турган қиёфасида айни пайтда ажабланиш ҳамда фахр ҳисси яширинганини сезиш мумкин эди. Чунки қабристондан сал нарида барпо этилган маҳобатли масжид, мақбаранинг қайтадан таъмирланаётгани ва умуман, Тошкентда мустақилликдан кейин тикланган улкан иншоотлар, балки Соҳибқироннинг ажабланиши ва фахрига сабаб бўлгандир. У фараҳбахш ўйлар оғушида пойтахтда Шиғзиддин бува номи билан машҳур ул зотнинг мақбараси пойида бир зум тин олмоқни ихтиёр этди. Эҳтимол, бобомиз шу тобда инсонпарвар, серҳиммат, маърифатпарвар, тасаввуф илмининг йирик намоёндаси Шиғзиддин бува руҳи билан дардлашаётгандир. Буюк ҳукмдор назаримизда шундай дегандек бўлди: Мен - Истиқлолга эришган она юртим ва халқимни эркин, озод кўраётганимдан мамнунман. Бебаҳо маънавиятини, дурдона меросини тирилтираётган, тенгсиз алломалари-ю боболари чирқираган руҳларини таскин топтираётган, азизу мукаррам қилаётган халқнинг ҳам, давлатнинг ҳам келажаги албатта буюк бўлғувсидир, иншооллоҳ!..

**Абдунаби МАННОПОВ,
Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.**

*Қонун барча учун баробар*

Қаердаки, раҳбар қўл остидаги ходимларга меҳрибон бўлса, уларни қўлласа ўша ерда ишлар ўз-ўзидан юришаверади. Аксинча бўлса-чи?

- Мен 40 йилдан бери «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамиятида провизор-технолог вазифасида ишлардим, - дейди Нурулло Матёқубов. - Ўтган йилнинг 29 сентябрида меҳнат таътилига чиқдим. Таътил тугагач, ишга келсам, жамият раиси Д.Ибодуллаев кутилмаганда: - «Сизнинг ишлаб турган вазифангизни тугатиб юбордик, ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиб беринг» деди. Мен бошлиққа ўз ишимга тиклашларини сўраб бир неча бор мурожаат этдим. Аммо фойдаси бўлмади. Шундан сўнг адолат истаб вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилдим.

## БЕПИСАНДЛИК

Вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг ҳуқуқ нозири А.Раҳимов иштирокида ўтказилган текширишда жамият раҳбари Н.Матёқубовни меҳнат таътилидан кейин ўз ишига қўймасдан қонуннинг бир неча моддалари талабини бузганлиги аниқланди.

Шу йилнинг 14 январида ҳиссадорлик жамияти раиси: «Матёқубов Нурулла — бўлим мудири навбатдаги меҳнат таътили ва даволанишдан қайтиб 2000 йил 14 январдан ўз ишига — бўлим мудири вазифасига киришсин, бекор юрган 6 январдан 14 январгача бўлган даврига иш ҳақи тўлансин. Асос: вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг ҳуқуқ нозири томонидан 2000 йил 14 январда берилган хат» деб буйруққа имзо чекди.

Афсуски, 19 январ кунгача ҳам бу буйруқ бажарилмаган. Н.Матёқубов ўз вазифасини бажаришга киришмаган.

Жамият раиси уни ишга қўймаган.

Юқоридаги ҳолат бўйича Меҳнат кодексининг 100-модда 6- қисмининг иккинчи банди, 102-модданинг биринчи қисми қоидалари бузилган.

Меҳнат Кодексининг 24-моддасида иш берувчининг ходимлар вакиллик органлари, яъни касаба уюшмалари олдидаги мажбуриятлари кўрсатилган бўлиб, иш берувчи ходимларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин касаба уюшмалари билан маслаҳатлашиб олишлари зарурлиги қайд қилинган.

Қизиғи шундаки, Н.Матёқубов 6 йилдан буён ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси вазифасини ҳам бажариб келган.

Маълумки, касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қиладиган ташкилот. Ҳар қандай раҳбар касаба уюшма қўмитаси билан бу борада ҳисоблашишга мажбурлиги қонун йўли билан белгиланган. Ҳайрон қоласан киши. «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамияти раиси Д.Ибодуллаев нега энди айнан касаба уюшма қўмитаси раиси Н.Матёқубовга нисбатан беписанд бўлганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитасининг лоқайдлигини-чи?

**Эркин ЭРМАТОВ,
Шихназар АҲМЕДОВ.**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

# ВАЗИФАСИДАН ЧЕТЛАШТИРИЛДИ

***Газетамизнинг ўтган йил 14 декабр сонида "Бир хил шароитда икки хил натижа" сарлавҳали мақола босилган эди. Унда Косон туманининг ёнма-ён жойлашган, ер, сув шароити бир хил бўлган хўжаликларда турли хил манзара ҳукм сураётгани танқид остига олинган эди.***

Қашқадарё вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ш.Хўжаназаровнинг таҳририятимизга маълум қилишича, Косон туман ҳокимлиги, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширди. Туманнинг айрим хўжаликларида йилдан-йилга ерга минерал ўғитларни белгиланган миқдордан кам солиниши тупроқдаги чиринди ва озуқа моддалар миқдорини камайишига, натижада экинлар ҳосилдорлигини пасайишига олиб келган.

Ҳозирги кунда туманда 50 минг тонна ёки ўтган йилга нисбатан 40 минг тонна кўп компост тайёрланмоқда. Жорий йил ҳосили учун жами 240 минг тонна компост тайёрлаш режалаштирилган.

Шунингдек, туманда 10680 гектар кучли ва ўртача, 30860 гектар кучсиз шўрланган майдон бўлиб, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тегишли ишлар қилинаётир.

Вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси туман ҳокимлиги билан жорий йилда йўл қўйилган хато-камчиликларни чуқур таҳлил қилиб, тегишли раҳбар ва мутахассисларга нисбатан чоралар кўрди. Жумладан, туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ш.Бозоров, «Қўнғиртоғ» хўжалиги раиси Р.Даминов, «Сурхон» хўжалиги раиси А.Файзиев, «Андабозор» хўжалиги раиси И.Усмоновлар ўз вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари сабабли лавозимидан четлаштирилди. Бундан ташқари, тумандаги бошқа қолоқ хўжаликлар раҳбар ва мутахассисларининг фаолияти ўрганиб чиқилиб, тегишли баҳо берилмоқда.

